

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриладиган бугунги кунда миллий аъёнларимиздан келиб чиққан ҳолда республикамизга ҳос ўз қонунчилик тизimini қамол топтириш, қонунларимизни умумэтироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқ ҳолга келтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтининг роли муҳимдир. Мустақиллигимиз даврида тузилган ушбу институт фаолияти ҳақида мазкур институт директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, ФМДП Марказий Кенгашининг Биринчи котиби, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди А.С.Турсунов билан суҳбатлашдик.

— Ахтам Саломович, аввало, сиз раҳбарлик қилаётган институт, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари тўғрисида биров тўхталсангиз.
— Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини — 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорига мувофиқ ташкил этилган. Ундан қўзланган асосий мақсад юртимизда кечаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлашдан иборатдир. Институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши эътибор билан амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш; қонун лойиҳаларини илмий

аниқлашди ва шу асосда ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақомиллаштиришга, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бир қанча тақлифлар тайёрланди. Қонунларнинг ижро этилмай қолаётганлиги сабаблари қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ бўлса, институт тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш учун масъул давлат органларига бу хусусда ахборот ва амалий тавсиялар йўлайди.

— Институтнинг илмий потенциали қучли экан. Олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ва изланишлар самараси қай ҳолатда, шу вақт мобайнида нималарга эришилди?
— Институт ходимлари илмий тадқиқотларнинг ҳамма мавзуси «Жамият турмушининг барча соҳаларини эркинлаштириш шароитида қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари» деган умумий йўналиш остида бирлаштирилди. Илмий тадқиқот ишлари бажарилиши қай тарзда бораётганлиги ҳақида 2000 йилда институт ходимлари 24 илмий ишни якунлашди, бу ишларнинг аксарияти эълон қилинди. Ававалги йилларда бўлганидек, институт ходимлари илмий-оммабон ва ўқув адабиётлари тайёрлашга кўпроқ эътибор бердилар. Утган йили институт ходимлари Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясини чиқаришда фаол қатнашишди. «Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: саволлар ва жавоблар» туркумидаги иккинчи китоб босмадан чиқарилиди. Иш вақти ҳамда дам олиш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бағишланган, ҳажми 28 босма табоқни ташкил этувчи бу китобнинг ўзбек тилидаги наشري ҳам ҳадемай ўз ўқувчисининг доимий ҳамроҳи, энг зарур ва энг керакли қўлланмаси бўлиб қолиши аниқ. Институт ходимлари «Нодавлат нотижорат

ТАБИАТ ВА ИНСОН
№ 2 (109) Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг саҳифаси

ЮРТИМ БАҲОРИ, СОҒИНТИРИБ КЕЛИШИНГ ЯХШИ!

Хонанда куйлайди.
— Сен баҳорни соғинмадингми?
— Соғиндик, — деймиз биз.
— Соғиндик, — дейди бутун борлик, она-табиат.

Озод ва обод юртимга қутлуг қадимлар билан кириб келаётган баҳорим, сенга янги аср, истиқлолимизнинг 10 йиллиги муборак.

Таърифини келтиришга бугун битил оқиб. Сенинг хислатинг ва фазилатинг ёзинг мовий осмони, куз тўқинчилиги, зумрад қишнинг тароватидан минг чандон аёло. Сен фасоллар ичра гўзал келинчақдек энг кўркамсан. Сен мудрок кўнгилларга қувонч ва шодлик улашасан. Олам жаҳонга нур бағишлаб, кўчалар ва далаларга фойз-тароват олиб кирасан. Айтишларича, баҳорнинг эрта келиши кузнинг серҳосил ва мўл-кўлликдан дарак бераркан.

Қадамнинг сербарака ва қутлуг келиши баҳорим!
Бугун табиатга боқиб, кўз тўймайди. Қайдадир бодом гуллади. Баҳор элчиси чучўма буй қўрсатди. Ариқлар лабида майсалар яшнаб, ялпиз ниш ура бошлади. Мажнунтоқ куртақ чиқариб, дарахтлар ашиқ тусга кирди. Эрта-индин ўриқлар гуллаб, далалар алвон ранг олади, чамандек очилган қирмизи лолалар билан қопланади.

Сенинг ҳар бир кунинг ўзгача. Яшариш ва яшнаш ишқи уфуриб туради. Бахт ва иқбол наҳидасидан маст ва масрур аёлдек кун сайин ажиб тус олиб ял-ял яшнаб борасан. Илоҳим, бахтинг бутун бўлсин, баҳорим.

Бугун шаҳар кезиб чарчамайди киши. Қўнлаб кайфиятидан нурафшон кўнгиллarga кенг ва раво, чарогон кўчалар, осмонўлар мухташам

бинолар ажиб бир сархушлик бағишлайди. Истиклол шарофати ила яшнаб бораётган она-заминимиздаги бу ўзгаришу янгиликлардан дил яшнайди. Бугун анҳор бўйи-ю сўлим жиёбонлар яна гавжумлашган. Бобоқалонимиз Амир Темури майдонида бир зум бўлса-да одамлар қадами узилмайди. Бугун шеърят мулкнинг султони, устод Алишер Навоий номи билан аталувчи богда Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари авж олган.

Бугун чўпон-чўлиқлар кирга отланади. Тоғ ёнбағриларига куй-қўзилар ёйилади. Эрта-индин адиқлар ўйноқ, шўх қўзочокларнинг ёқимли маъраси билан тўлади. Бугун серфайз далаларда техникалар овози баралла янграмоқда. Баҳорий шундорлаш ишлари бошланди. Эрта-индин бободехқон бу серуном тупроққа барака уруғини қадайдди. Илоҳим, бу йилги ҳосилинг янада мўл-кўл бўлсин, баҳорим.

Хуллас, бугунимиз кечагидан серфайз. Эртаси бугунгидан чарогон. Кўчор-кўчор гуллар бағримизни тўлдирадиган кун яқин. Яна радио тўлқинларидан:

Мана сенга олам-олам гул, Этагинга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл, То ўлғунча шу ўлкада қол,
деган куй таралиб, юракларни завқ ва шавққа тўлдиради. Бу куй ва унга ҳамоханг кўшиқ ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Жисимизга кучкуват бахш этиб, ҳаммамизни меҳнат қучоғига қорлайди. Истиклолимизнинг ҳар йили сен билан нурафшон бўлсин, илоҳим.

Юртим баҳори, соғинтириб келишинг яхши.

ШАҲРИМИЗ БОҒ-РОҒЛАРГА БУРКАНСИН

Шаҳримиз кўчаларида, айниқса, баҳор кезларида биноларни жорий таъмирлаш ва қурилиш ишлари авж олдирилади, транспорт қатнови бахтариб бўлишига алоҳида эътибор берилади. Хусусан бу йил ҳам бундай ижобий ишлар кенг миқёсда бажарилиши учун имконият яратилмоқда.

Қурилиш ишлари тугалланган майдонларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Жумладан, ҳозирда Аҳмад Дониш кўчасида транспорт қатновини тартибга келтирувчи йўл қурилиши жараёнида кесилган дарахтлар ўрнига ёш ниҳоллар экилмоқда. 2000 йилда 1427 туп дарахт, 2955 дона гул қўчатлари ва бир қанча минглаб буталар ўтказилди, чимлар ётқизилиб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Шароф Рашидов кўчаси ҳам қайта таъмирдан чиқарилди. Алишер Навоий кўчасидан Ҳ. Асомов кўчаси оралиғидаги жойда транспорт ҳаракатини тартибга келтирувчи йўл қурилиши жараёнида кесилган дарахтлар ўрнига янгилари экилди, 6897 квадрат метр майдонга чим ётқизилди. Шу билан табиатга келтирилган зарар озми кўпми даражада қопланди.

Бундан ташқари айни дамларда шўх кўчалар, хиёбон ва мавзеладаги донадарахтлар бўталаниб уларга шакл берилмоқда. Қуриган, зараркунандалар билан қириган дарахтлар олиб ташланиб, ўрнига янгилари экилмоқда.

Бу йил баҳор юмушлари ҳар сафаргидан эрта бошланди. Хусусан, юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойланининг эълон қилиниши барчамизни бу хайрли ишга эътиборни кучайтиришга ундади.

Маҳмуд ОРИПОВ

Шавкат АБДУРАҲМОНОВ

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Жалқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқ

экспертизадан ўтказиш; қонунчилик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир тақлифлар ишлаб чиқиш; хоржий илмий-тадқиқот, маслаҳат ва ўқув марказлари, олимлар ва мутахассислар билан илмий ва амалий алоқалар ўрнатиш; Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига риоя этиши нукта назаридан қонунларнинг экспертизасини ўтказиш ва бошқа вазифалар белгиланган.

— Мазкур институтни ташкил этиш жараёнида дунёдаги бошқа шунга ўхшаш институтлар андоза сифатида олинганми?
— Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини дунёда биринчи ташкил этилган парламент институтини бўлиб, унинг фаолияти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тақомиллаштириш йўли билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳозирча ягона институтдир.

— Энди суҳбатимизни институтнинг амалий ишлари ва бугунги кунда олиб бораётган фаолияти тўғрисида олиб борсак.
— Утган йилдаги фаолиятимиз тузилган режа ва институт Низомидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Албатта фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш эди. Утган йили институт «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Судлар тўғрисида»-ги (янги таҳрири), «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳофазаси тўғрисида»-ги, «Фурқаро муҳофазаси тўғрисида»-ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги, «Мудофаа тўғрисида»-ги (янги таҳрири) ва яна 20 га яқин бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этдилар. Бундан ташқари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»-ги (янги таҳрири), «Бюджет тизими тўғрисида»-ги, «Ташиқ иқтисодий фаолият тўғрисида»-ги (янги таҳрири), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги (янги таҳрири), «Психиатрия ёрдами тўғрисида»-ги ва бошқа бир қанча қонун лойиҳалари юзасидан экспертизали хулосалари тайёрлаб бердик. Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш чоғида уларнинг жамият турмушининг барча соҳаларини эркинлаштиришда Ўзбекистон Республикаси танлаган йўлга мувофиқлик даражасини аниқлашга, қўйилган ва юзасига келиши ақилолдан йироқ, бўлмаган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатларни таҳлил этишга, қонун лойиҳаларининг амалдаги қонун ҳужжатлари тизимига қанчалик монанд эканлигини ўрганишга, қонун лойиҳасидан қўзланган мақсадга эришилганлик қўлларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилди. Қабул қилинаётган қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш институтини фаолиятида муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Институт ходимлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг мамлакатимиз Президентини Исрол Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти устуворликлари лойиҳаси устидаги ишларда бевосита иштирок этдилар. Шунинг таъкидлаш жоизки, институт ходимлари томонидан тайёрланган қўнгина тақлифлар асосли деб топилди ҳамда Ўзбекистон парламентининг яқин йилларга мўлжалланган фаолияти стратегия йўналишларини белгилаб берувчи ана шу муҳим ҳужжатда ўз аксини топди. Институт ходимлари жаҳоннинг турли мамлакатларида қабул қилинган қонун ҳужжатларини қиёсий таҳлил этиб, таққослама жадваллар туздилар. Бу эса экспертизали хулосалари сифатини ҳам, ишлаб чиқишда институт ходимлари иштирок этган қонунларнинг лойиҳалари сифатини ҳам янги босқичга кўтарди.

— Амалдаги қонун ҳужжатларини қўланиш тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этишга, бу ҳужжатларнинг самардорлигини аниқлаш ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлашга доир қилинган ишлар хусусида ҳам гапириб ўтсангиз.
— Амалдаги қонун ҳужжатларини қўланиш тажрибасини таҳлил этиш ва умумлаштириш йўли билан институт ходимлари бундай қонун ҳужжатларини бўзиш сабабларини

ташкilotлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳлар тайёрлашда иштирок этишди. Мазкур шарҳларни 2001 йилнинг биринчи чорағида, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари «Қишлоқ ҳўжалиги ҳуқуқи» дарслиги ҳамда «Экология ҳуқуқ-қўнун қўлланмаси 2000 йилда «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилди. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар устида олиб бориладиган ишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

— Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг, инсон ҳуқуқлари таъминланганининг зарур шартин аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оқсалтиришдан иборатдир, бу соҳадagi фаолиятингиз қандай бўлди?
— Институт ходимлари жамиятда ҳуқуқий маданиятни оқсалтириш миллий дастурини амалга ошириш ишига муносиб улуш қўшмоқдалар. Институтнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқалари ававалги йиллардагига нисбатан анчагина кўчайганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларда институт ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини, бу ҳужжатларни қўланиш асосида юзасига келадиган масалаларни тушунтириб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг амалдаги механизми аниқлаш оқиб бердилар. Материалларнинг анчагина қисми Олий Мажлис сессиялари муҳофазасига киритиш мўлжалланган масалаларни тушунтиришга, шунингдек, мамлакатимиз парламентини томонидан қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир муштарий, тингловчи ва телетомошибни онги ҳамда шуурига етказишга бағишланди. Ҳуқуқий маданиятни оқсалтириш соҳасида аниқ бир мақсадга қаратилган иш зарур эканлигини, шунингдек аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этишининг муҳим эканлигини эътироф этган ҳолда институт ходимлари ўз материалларида хотин-қизлар, болалар, ногиронлар ҳамда қўшимча ҳимоя чораларига мўхтоб бошқа шахсларнинг ҳуқуқларига қатъ эътибор бердилар. Институт ходимлари томонидан 2000 йилнинг ўзида жойларда шу мавзўларга бағишланган 230 га яқин учрашув, лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

— Ахтам Саломович, энди институтнинг халқаро ташиқлотлар билан, хоржий мамлакатларнинг етакчи ўқув ва илмий марказлари билан ҳамкорлигини чуқурлаштириш борасида нималар қилинаётганлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.
— БМТнинг Қочқар ишлари бўйича олий комиссарини, ТАСИС, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotи бюроси, Германия техника маркази, Нотижорат ҳуқуқ маркази ваколатхоналари, Сорос, Аденаузэр фондиари ҳамда бошқа бир қанча халқаро ташиқлотлар билан ҳамкорлик утган йили анча самарали бўлди. Бу ташиқлотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик институт ходимлари тайёрлаган ишларни эълон қилишга молиявий ва техникавий ёрдам қўрсатиш, семинарлар ва конференцияларни, биргаликда ташкил этиш, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда иштирок этиши учун чет эл экспертларини тақлиф қилишга кўмаклашиш билан чеklangиб қолмади. Институт амалдаги қонун ҳужжатларини жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда тақомиллаштиришга қаратилган бир қанча лойиҳаларини халқаро ташиқлотлар билан ҳамкорликда муваффақиятли тарзда амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шу маънода институтнинг ТАСИС дастурлари билан ҳамкорлигини эътиборга лойиқ дейиш мумкин. Институтнинг Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти, Украина Олий Радаси Қонунчилик институти, Бремен ва Лейден университетлари, Будапешт шаҳридаги Марказий Европа университетининг Конституциявий ва қонунчилик сивэати институти ҳамда бошқа бир қанча илмий ва ўқув марказлари билан илмий ҳамкорлиги давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда институтимиз ўз зиммасидаги вазифанинг нақадар масъулиятли эканлигини ҳис этиб, бутун фаолиятини шу вазифаларни ўз Низомидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракатларини изчил давом эттирмоқда.

Суҳбатдош Мавлон ШУКУРЗОДА

Баҳор насими ўзи билан бирга юртимизга ўзгача фойз, ўзгача руҳ олиб келди. Ҳамма ерда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олади. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки баҳорнинг илк ойи ҳисобланган мартда Наврўз байрами нишонланади. Бу кунга ҳар йили махсус тайёргарлик қўрилади. Байрам юрт орасталиги билан янада гўзаллашади, кўнгилли ўтади.

Яқинда шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасида бу масала алоҳида қўриб чиқилди ва утган йил режаларига яқун ясалди. Йиғилиш хулосасидан чиқарилган муроҳаза билан айтилган бўлсак, қўмита утган йили ўз олдига қўйган вазифаларни имкон қадар адо этди. Хусусан, йил давомида 17 та тадбир ўтказиш белгиланиб, унга 1991,3 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Шундан 103 тадбир (118,7 миллион сўм маблағ) атмосфера хавосини мусаффо этишга, 69 тадбир эса (1878,6 миллион сўм) сув муҳофазаси учун сарфланди.

Режада белгиланган тадбирлар тўлиқ амалга оширилмаган бўлса ҳам зарарли моддаларнинг ҳавога чиқариш 977,7 тоннага камайди. Тоза сув йиғими 161 минг куб метрга етди. Бу вазифаларни бажаришда шаҳардаги қўнгина ишлаб чиқариш корхоналари ўз ишларига виждонан ёндошиб, белгиланган режаларни ўз вақтида бажаришга муносиб хисса қўшдилар. Бундайлар жумласига, Тошкент иссиқлик маркази, «Оник» хиссадорлик жамияти, «Ўзтемирўлтаймир» ишлаб чиқариш бirlашмаси, «Тошшаҳарўлтаймир» уюшмаси, «Тошшаҳарўлтаймир» концерни, «Кимёқилоқмаш», «Тошмаргё», «Тошқўймақимаш», «Ўзбекқоз» хиссадорлик жамиятларини киритиш мумкин. Шунингдек, кўн километрлик узунликдаги янги автомобиль йўллари қурилиб, учта йўл иншоотлари ишга туширилди.

Албатта, шаҳарни транспорт воситаларисиз тасаввур

Ўзбекистон ЛТД» қўшма корхонасига 1600 куб метр қувватга эга бўлган тозалаш иншоотларини пайвандалаш ишлари олиб борилди.

Тошкент овоз ва обод диёримизнинг поштахти. Янги қуриладиган мухташам бинолар, кенг ва раво кўчалар муштарий республикамиз кўнгилига кўрк қўшмоқда. Лектин шу бахонада барвақ дарахтларни кесиш ишлари авж олмоқдаки, бунга эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Шу тўғрйли қўмита, биринчидан, заруряти ту-

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

этиб бўлмайди. Айниқса, шаҳримизда транспорт қатновлари кун сайин ортиб бораётган бир пайтда транспорт воситалари шаҳримиз атмосфера хавосини ифослантирадиган асосий манбаалардан бирига айланиб бормоқда. Утган йилда 5964 та автомобиль қўздан кечирилганда унинг 715 тасидан чиқадиган захарли углерод газлари белгилангандан ортика эканлиги аниқланди. Шунинг эътиборга олиб, ДАН ходимлари билан икки марта «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилди.

Шаҳримизда сув хавзалари муҳофазасига ҳам қатъ эътибор қартилмоқда. Жумладан, Солор каналини таъмирлаш ишлари биринчи босқичи якунланди. Бектемир тозалаш иншоотларини тўлиқ таъмирлаш учун лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланди. Шунингдек, «Кока-кола ичимлиги

файли кесиб ташланган дарахтларни ўрнини қоплаш мақсадида ўша яёдоқ жойларга қайта ниҳоллар экиб қўқариш ва зарур бўлмаган тақдирда эски дарахтларни нобуд қилмаслик чораларини аниқлаш бўлмоқда. Бу борада утган йил баҳор мавсумида бошланган ишлар анча ибратли бўлди. Кўплаб манзарали ва мевали дарахтлар гул қўчатлари экилиб, улар шаҳримиз хусусига янада кўрк бағишлади.

Мухташам ва раво кўчалар, корхона ва ташиқлотлар ҳамда турар-жой биноларини ёртиб турган ион чироқлари таркибида табиат учун зарарли бўлган симоб борлиги барчамизга маълум. Ҳозирги кунда шаҳримиз бўйича қўйган ва яроқсиз ҳолга келган шундай лампалар минглаб рақамлар-

ни ташкил этади. Қўмита тавсиясига биноан бу лампалар зарарсизлантириш учун «Сэлта» корхонасига қайта ишлаш учун топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил бюджетини ва микроқўрсаткичлар тўғрисида»-ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маиший ва саноат чикиндиларини жойлаштириш, атмосфера хавосига ҳамда сув захираларига зарарли таъсир қўрсатганини учун тўловлар жорий этилган. Шу ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ўзга қарорлар фақат ҳаво ва сув ҳавзаларида тозалик ўлчовларини амалга ошириш, шунингдек, экологик шароитларни яхшилаш, барча турдаги тозалаш иншоотларини қурилишига ҳозирги замон технология жараёнларини жалб этиш ва умуман табиатни муҳофазаси қилиш фаолиятини яхшилашга қаратилган.

Шунингдек, қўмита йиғилишида бу йил баҳор мавсумида бажариладиган ишлар, Наврўз байрамига тайёргарлик, шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойланини унумли ўтказиш ҳамда йил давомида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан лозим бўлган вазифалар муҳофазасига қилинди.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА

Мақолаларни Мақсуд КОБИЛОВ тайёрлади.

Сиз гўзалсиз...

Дунёдаги ҳар бир аёл гўзал хуснага эга бўлишни хоҳлайди. Французлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзинга оро бермаган, парваршиш азёллари бор деб ҳисоблашади. Ҳа, аёллар ҳар қандай ёшда гўзал ва ақимли бўла олишлари мумкин.

Ривоят қилинганча, бир кекса донишманд ўлими олдидан қизларига «Камбағаллигим боис яхши насихатлардан бошқа қолдирадиган давлатим йўқдир. Агар бир умр гўзал бўлай десангиз ақлли, очик кўнгли, кувнок бўлинглар» деб насихат қилган экан.

Рухи тетик, кувнок, чеҳраси очик аёллар анчайин ёш кўринадилар. Чунки бундай аёлларнинг териси доимо дам олиб туради, асаблари доимо жойида бўлади. Демак инсоннинг ички ва ташқи гўзаллигини асраш ўз қўлида.

Ҳаммамизга маълумки, терининг доимий тозалиги сувга боғлиқ. Лекин юз парвариси учун қандай сувнинг ишлашиликлиги бўлиши кераклигини ҳамма ҳам билвермайди. Биз куйида айрим маслаҳатларни бермоқчимиз.

• Ёмғир ва қор суви табиий юмшоқ сув ҳисобланади. • Ёмғир сувидан сўнг булук сувга ўтилади. Домий равишда муздай сувда ювиниш зарардир. Бунда терининг сезгирлиги камаяди. Иложи бори ҳона ҳароратидаги иқлимда булган сувда ювинган маълум.

• Райҳон, ялпиз солинган сувда ювинсангиз, шамоллашнинг олдини олган бўласиз. • Ювинаётган пайтингизда ваннага бир қошиқ асал солиб юборсангиз танангиз энгиллашади.

• Юз қуруқлаша лимон, бодринг, петрушка дамламосини суриб, 10-15 дақиқадан сўнг ювиб ташланг. • Пахтачи юмалоқлаб минерал сув билан ҳўлаб, сўнг ўн дақиқа майин ҳаракатлар билан юз артиради. Шунда тери тиник тортиб, таранглашади.

• Майдаланган бодринг пўчоги устига икки стакан қайноқ сув қуйиб тўрт соат тиндириб қўйилади. Сузгичдан сузиб оқ ювилса, терини оқартиради. • Битта тўхум сариси, 100 грамм сметана, яримта лимон шарбати аралашмаси юзга суртилса юзгаги доғ кетади.

• Ялпиз баргларидан 100 грамм олиб, унинг устига 1-2 литр қайноқ сув қуйиб 20 дақиқа ўтган сув билан олинган дамламага оқ ювилса тери тиниклашади. • Лимон пўстига юз артилса доғлар йўқолади.

Азиза МУҲСИМОВА тайёрлади.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўлар...

• Золимда уч аломат бор: қўл остидагиларни ранжитида, уларни ҳурматламайди, ўзгалар ҳақини ноҳақ ейишдан қўрқмайди.

• Ҳасадчида уч аломат бор: сени ҳузурингда ҳошомадгўйлик қилади, йўқлигингда гўйбатингни қилади, агар бирор кишига мусибат ё бирор гам-ташвиш етса шодланади.

• Бадбахтда уч аломат бор: ҳаром лўқма ейишдан қўрқмайди, умалорак сўхтаётган қочади, хушига келганида ибодат қилади.

• Манманлик — қусур, камтарлик — ҳусн. ҲИКОЯТ. Хорун ар-Рашид бир пайтда ҳаждан қайтайтиб Бағдодга келди. Уни бутун халқ қутиб олиш учун истиқболга қичди. Шаҳардан ўтиб бораркан, тўпланган ҳалойиқ ичида Бахулл Хорунга бундай деди:

— Эй мўминларнинг амири! Хорун юзидан нуқибини олиб Бахуллага қаради: — Буюр, эй Бахулл! Бахулл:

— Эй ҳукмдор! Байтуллоҳ зиёратидан қайтмоқдасан. Шундай муборак сафардан келаясан, бу қибр, бу гурур нимаси? Агар тавозе қилсанг, сен учун янада хайрли бўлади, — деди.

Хорун ар-Рашид йиғлаб, кўз ёш тўқди ва: — Эй Бахулл! Яна насихат қил, давом эт, — деди. Унга жавобан Бахулл:

— Эй Хорун, барча ерлар сеники, барча инсонлар тобе бўлса ҳам, борадиган жойинг тупроқдир, — деди. Хорун уни тушунди ва:

— Турри айтасан, Бахулл, — деди. БАЙТ:

Камтарин бўл, ўтма бир қадм, Ҳатто гурур остонасидан. Шунинг учун пиланли инсон — Ҳар доим пешонасидан.

• Айтар сўзини айт, айтмас сўздан қайт. ҲИКОЯТ. Искандар Зулқарнайн ўзига яқин кишиларидан бирига кўнглида яшириб юрган бир сирни айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмаслиқни қайта-қайта таъкидлаган эди. Лекин у Искандарнинг шартини узоқ сақлай олмай, ичи пишиб бир дўстига айтди.

Дўсти бир кишига, у яна бир кишига айтди. Шундай қилиб сир ҳаммага ошкор бўлди.

Сирни ошкор бўлганидан ортиқ даражада газабланган Искандар устози Арастуга:

— Эй, ҳаким, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сиримни айтган эдим, у киши сиримни сақлай олмай ошкор қилган. Мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз, — деди.

Арасту ҳаким айтди: — У кишига жазо беришга ҳақинг йўқ. Ҳазинг айбдорсан. Сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг тошиб кетиб, бировга ошкор қилгансан. Ҳазинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай сақлай олин, — деди.

БАЙТ:

Чун ўзинг сирингга маҳрам бўлмадинг, Ҳазинг гар асрамас йўқ бир ажаб.

• Ривоят қиладилар: «Бир-бирингиз билан аччиқлашманг, ҳасад қилманг, тескари қараб келманг. Эй бандалар, бир-бирингиз билан ака-ука бўлинглар. Ҳеч бир мусулмон киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юриши жоиз эмасдир».

• Садақанинг афзали соғлом вақтда, қизганчоқлик қиладиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолингиздаги садақангиздир. Садақа қилишни узоққа чўзманг, жонингиз халқумингизга келганда молимни бунчаси фалончига, учнаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир. Чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам молингиз фалончиларники бўлур.

• Беш нарсдан олдин бешта нарсани ганимат бил: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин сеголматликни, бандлигиндан олдин бўш вақтингни, селсалиқдан олдин ёшлигингни, фақирликдан олдин бойлигингни.

• Ҳакимлар айтди: — Уч кишига яхшилик қилиб бўлмайди: биринчиси, дангасига, улар экин ўсмайдиган тошлоқ ёки шўр ерга ўхшади, унга қанча яхшилик уруғини экмагин, барибир кўкариб қичмайди, яъни таъсир этмайди. Иккинчиси, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилса, буни тушуниш ёки раҳмат айтиш ўрнига, меъдан қўрққанидан қилпяти, деб ўйлайди, улар янада тумшукларини кўтариб, кўпроқ нарс талаб қиладилар. Яна бири аҳмоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайди, унинг фарқига бормайди.

Оқил ва доно кишига яхшилик қилмоқ эса савоб ҳамда олий иҳтилоддир.

БАЙТ:

Ҳар қимчи чучук сўз иззор айлар, Ҳар нечани, ағёр дурӯр ёр айлар. Сўз қаттиги эр кўнглига озор айлар, Юмшоги кўнглиларини гирифтор айлар.

• Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ. • Ҳалоллик ҳар қандай мартабани беъаиди. • Бир умрга бахтли бўлишни истасанг, ҳалол одам бўл.

ҲИКОЯТ. Ҳаддан зиёд Карим исми кишининг шаҳардан ташқарида бир парча ери бор эди. Карим шу ерига экин экиб, ундан олган ҳосилига қаноат қилиб, бола-чақаси билан умр кечирарди. Бир кун баҳор пайтида ерини ҳайдаб, ишлаб турган эди, бир ўғир келиб унинг пешона тери тўкиб ишлаётганига қараб турди. Кейин яқин келиб, у билан қўришиб айтди:

— Сиз камбағал кишига ўхшайсиз, қилган қийимингиз ҳам бундан далолат бериб турибди. Ерингиздан чиққан ҳосил билангина албатта оилангизни яхшироқ таъмин қилолмайсиз. Яхшиси, мен билан юринг, пулингиз кўпаяди, — деди.

Карим унинг таклифини эшитиб: — Мен паст, ярамас одам бўлишни истамайман. Ифлос йўллар орқали пул топиб боийшдан нафратланаман, сизга ҳам маслаҳатим бу ярамас ишдан воз кечиб, мен каби ҳалол меҳнат қилинг. Шунда фароғатли умр кечирасиз, — деди.

ҲИКОЯТ. Қўриқда бўлиб қолган, ҳалол одам БАЙТ:

Берма озор кишига, қилма ўғирлик зинҳор, Ҳар нечакан, ағёр дурӯр уқубатлар бисёр. Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

ва Америкада эришилган иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ютуқлардан ибрат олиш ва шу йўл билан миллий тараққиётга эришув йўллари ҳақида талай илмий, ижодий ишлар қилинди... Бехудийнинг бу қадар кенг миқёсли фаолияти ҳақида Садриддин Айний, Чўлпон, Лазиз Азизода ва кўплаб бошқа замондошлари зўр ҳурмат, эҳтиром билан хотиралар ёзганлари маълум...

Энди қаранг, Бехудий Мустақиллик қандай қилиб қўлга киритиш ҳақида нималар деб ёзган: «Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдир. Ҳар бир миллат ва мамлакат ҳалқи ўзининг ҳуқуқи, диния ва сиёсати ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Истаймизки, ҳеч бир элнинг бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасун ва бизнинг ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асли фикр ва ниётимиз йўқ...» Бу фикрни Бехудий «Улуғ Туркистон» газетасида эълон қилган «Баёни ҳақиқат» сарлавҳали мақола-

мондошларидан бири — Фози Юнус таъбири билан бу давр шундай таърифланган:

Тухумат бирла беғуноҳлар Сийбёр кетди, Нажиблардан қанчасини(нг) Боши кетди. Ақлу ватан ватанлардан қувилдилар,

ИСТИҚЛОЛНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ФИДОЙИЛАР



Маҳмудхўжа Бехбудий

Беғуноҳлар хайвон каби сўйилдилар...

Халқимизнинг энг ақсоқ онгли-етук зебилари виждонлари, имон-этиқодлари тақозоси билан мамлакат бошидан кечаётган фожиаларга бефарқ қарай олармидилар?! Асло йўқ ва минг марта йўқ. Лоқайдлик учун беғона, ҳатто, ҳар қандай оқдод ва онгли инсон учун ҳам — лоқайдлик — гоҳ соқтинлик даражасига ҳам бориб қолади дейилса-да, хато бўлмас керак. Халқи, ватани бошидан кечаётган қарамлик фожиаларига қарши Бехбудий нақадар жасорат ва усталик билан кураш олиб боришда, кўпроқ Туркистон ёшлари тарбиясига энг кўп аҳамият беришни биринчи даражада масала қилиб қўяди. Ҳазинг хатто мактаблар, кутубоналар очиб болаларни тежирини ўқитида. Тил, адабиёт, тарих, жуғрофия, математика фанларидан дарсликлар ёзади. Босмаҳона ташкил этиб унда китоблар, Туркистон, Россия жуғрофияларига оид хариталар тўзиб чоп этди. Мактабларда диний илмлар билан бирга табиий фанларни ҳам ўқитишга жуда катта аҳамият берида ва ҳоказо. Газета, журналларда, илм-маърифат, таълим-тарбия, тараққиёт омилларини белгилувчи масалаларга оид мақола-лар билан чикиб туради. Тарихимизда «Усули жаҳид» деб аталган мактабларнинг жаҳондаги ривожланган Оврўпо

сида баён қилади. Бу мақола айна Бехбудий билан замондош ва ҳамфикр — Миллий Истиқлол йўлига бош тиккан Мунавварқори мулоҳазалари билан гоёт бирдамлиги билан ҳам эътиборимизни тортади. Чунки ўз ватани, халқи манфаатларини кўзлаб яшашини ўз ҳаёти ва фаолиятида бош мезон қилиб олган сиймоларимиз ҳар бир муҳим муаммоларга дуч келганда ҳам фикр бўлиб қолаверадилар. Тарихда ҳам, ҳозир ҳам бунга истаганча далиллар келтириш мумкин. Мунавварқори ҳам айна XX асрнинг 10-йилларида ёзган «Ҳуррият берилмас, олинур» сарлавҳали мақолисида инсоният тарихининг Одам атодан буён кечириб келаятган ҳамма даврларида бирор миллат, халқ бошқа бир халқ, давлат ёки ҳокимиятга қарам бўлиб қолганда — ўз ҳуқуқлари учун курашмасдан озодликка эриша олган эмас, деган фикр-мулоҳазани чуқур ифода этган эди. Мақола мазмуни сарлавҳасидаёқ (берилмас, олинур) иборалари билан) изҳор этилган. Албатта бу борада гап кўп, нирҳоси йўқ. Аммо қачон биз ўтмиш маънавий меросимизга мурожаат қилар эканмиз, ҳаммизда унинг бугунги қиммати, аҳамиятини излаб топшимиз керак ва зарур. Шундай бўлмаса, унинг аҳамияти қайқанда қолади?!

Бугун ёшлар тарбияси, уларни Аҳмад АЛИЕВ

1 MART — ЖАҲОН ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ КУНИ

Инсон эсон-омонлиги йўлида

1 март — баҳорнинг биринчи кун, биринчи қадирғочлар, баҳорнинг майин шабадаси, дарахлардаги биринчи қуртакларнинг очилиши гўёки табиатнинг, замину оламнинг узоқ уйқудан уйғониб, ўзининг гўзал ва бетакор сиринини атраф муҳитга халқ атайтандек тўюлади. Дунёдаги ҳеч қандай туйғу баҳор туйғуси сингари майини гўзаллигини напайшда бўлмайди.

Мана шу табиат инсонга ҳаёт бахшида этувчи мунаввар олам бўлибгина қолмай, инсон ҳаётининг ҳал этувчи кун эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак...

Бошланганга қараганда 4 март кун 5 йил бўлади. Ушбу давр мобайнида бошқарманинг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикаси пойтахтида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларнинг таҳдидини бартараф этишга, Фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш, аҳоли турли табақаларини фавқулодда вазиятларга тайёргарлигини амалга оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимини Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан биринчи бор ҳужали ҳисобидидаги фаолият ташкил этиш ишлари муваффақиятли амалга оширилди. Бошқарма томонидан амалга оширилган ишчилар дастури асосида бугунги кунда кутқарувчиларнинг моддий-техник негизини кучайтиришга, кутқарув асбоб воситаларини такомиллаштиришга, пойтахт хавфсизлигини таъминлашга қўшимча имкониятлардан самарали фойдаланганини на-тижасида эришилди. Бошқарма ҳошида ташкил этилган қич-қич босмаҳона имкониятлари билан Фуқаро муҳофазаси бўйича Тошкент шаҳар Фуқаро муҳофазаси тизимидаги жуда катта эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда кўргазмалар, плакатлар, ўқув дарсликлари, қўланмалари, услубий қўланмалар ва хотирномалар, стендлар ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳар халқ ҳўжалиги корхоналарида ташкил этилаётган Фуқаро муҳофазаси бур-чақлари ва синфлари таъминланмоқда. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган кўргазмалар, плакатлар, услубий ва ўқув қўланмалари, услубий тавсияномалар асосида ташкил этилган машғулотларни нафақат пойтахт ҳудудидан, балки республика вилоятларида, олий ўқув юрталари, мактаблар, халқ ҳўжалиги корхоналарида ва муассасаларда ўқратса бўлади. Даромад си-

фатида жамланган маблағлар Тошкент шаҳар Фуқаро муҳофазаси ва хавфсизлик тизимини такомиллаштиришга, кутқарув хизмати ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг моддий-техник базасини кучайтиришга сарф қилинмоқда. Бу маблағлар пойтахт ҳудудида мустахкам ва пишиқ, ҳар бир инсон ҳаёт хавфсизлигини кафолатлайдиган Фуқаро муҳофазаси тизимини яратишда ўзининг самарали фойдасини бериб келмоқда.

Шуни айтиш керакки, 1999-2000 йиллар Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси учун ҳал этувчи йиллар бўлди. Айнан шу йилларда бошқарманинг жамоаси ўз фаолиятида йирк омилларга эриштишга муваффақ бўлиб, пойтахт Фуқаро муҳофазаси тизимини кучайтиришда бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ёрдами билан пойтахтда Урта Осиёда биринчи бор ривожланган гарб мамлакатларининг 911 ва 112 хизматлари намунасида «Кутқариш хизмати» ташкил этилди. Ушбу хизмат дунёдаги энг ривожланган мамлакатларникидан қолишмайди, яъни ҳар қандай ҳолатда бўлган зарурий махсус асбоб-ускуналар, кутқариш воситалари ҳамда учта махсус фалокатда кутқариш автоуловлари билан таъминланди.

Ушбу хизмат 4000 дан зиёд мартаба одамларга ёрдам кўрсатиб, юзлаб инсонларнинг қурбон бўлишидан, халқимизнинг 500 миллион сумликдан зиёд бойлиги ноқуд бўлишидан асраб қолди. Ёрдамга муҳтож пойтахтликлар ва меҳмонларимиз «050» телефон рақамлари орқали истаган вақтларидан бепул равишда мурожаат қилиб, кераклик маслаҳат ёки амалий ёрдам олишлари мумкин. Кутқариш хизмати нивбатчилиги улуғсиз ташкил этилган ва аҳолига бе-

пул хизмат кўрсатади. 2000 йилда Кутқариш хизмати билан бир қаторда говвос-кутқарувчилар қўшилгани пойтахт Фуқаро муҳофазаси тизимининг янада кучайишига олиб келди. Бугун, қўшалоқ байрам арафасида — яъни Жаҳон Фуқаро муҳофазаси кун ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги топган кун арафасида Фуқаро муҳофазаси тизимида меҳнат қилаётган барча ва тандошларимизни табриклар эканмиз, албатта шу тизимнинг сунъинчи бўлган жамоатчиларини ҳам унутмаслигимиз керак. 2001 йил январ ойида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизига жамоатчилик асосида 100 нафар спортчи-фақирлардан иборат кўнглили кутқарувчилар жамоати ташкил этилди. Ушбу кўнглили кутқарувчилар орасида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискўиев, Европа ва Осиё чемпионлари бор. Машҳур спортчиларнинг кўнглили кутқарувчилик ҳаракатини жадаллаштириш, уни кенг омма орасида тарғибот қилиш ва янада кучайтириш борида олиб бораётган меҳнатлари ўзининг самарасини бермоқда. Спорт фақирларининг истеъфода бўла туриб ҳам ўз Ватанига, ўз халқига фойда келтириш, аҳоли ва ҳудудларини муҳофазаси қилиш ишлари «чўқур хурматга лойиқдир.

Пойтахтликларнинг бугунги ва эртанги келажаги тинч, уларнинг тинчлигини сақлаб турган, уларнинг ҳар қандай фавқулодда вазиятларга бардош беришида қалқон бўлиб турган Фуқаро муҳофазаси тизими мавжуд. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ўзининг қундалик фаолиятида тошкентликларнинг осойишталигини, уларнинг эсон-омонлигини таъминлашга қаратилган барча зарур чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини бундан буён ҳам доимий равишда назорат қилиб бораверади.

Эргаш ИКРОМОВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник.

Ҳар қандай қувончли кунлар — катта-кичик ҳайит, рўза, Наврўз, Янги йил ва бошқа шу каби алоҳида нишонланадиган дамларда ўтганларни ёдлаб, уларнинг руҳи-покларини ҳушнуд этиш миллий урф-одатларимиздан бири бўлиб қолган. Бу жуда яхши аниана бошқа халқ ва миллатларда ҳам бор, бироқ ҳар қайсиёси ўз миллий руҳи, тарихи, қадимдан шаклланиб келаётган йўсинида ўтади. Бугун биз Истиқлолимизга ўн йил тўлаётган кезларда — худди биз ҳозир кечириб турган йилларимизни — чинакам миллий Истиқлолни бутун ҳаёти-ю фаолияти билан истаган, излаган ва гоёт оғир, мураккаб вазиятлар гирдобидида унинг учун курашган Бехудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари буюк сиймоларимизни ҳурмат ва иззат билан ёдлаб туришга биз тириклар бурчимиз... Зеро бу урф-одатни бугун ёшларимиз қалбига синдириш ҳам уларнинг маънавий тарбияси учун гоёт зарур йўналишлардан бири дейилса, хато бўлмас керак...

Мустақиллик йилларида Бехудий ва унинг замондошлари, ҳамфиқрлари ҳаёти, фаолияти ҳақида бир мунча ишлар ёзилди ва ёзилмоқда. Бу жараён муттасил давом этади ва бу ҳол табиийлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Негаки, одатда буюк Шахсларнинг бизга қолдирган маънавий, маърифий мерослари — инсониятнинг барча тараққиёт босқичларида авлодлардан-авлодларга ўтиб боравериши билан абадийдир. Ҳўш, бунинг боиси нимада? Агар таъбиримиз жоиз бўлса, миллий маънавиятнинг биргина ўз доирасида айланиб қолмай, умуминсонийлик фазилатлари билан уйғунлашиб кетиши-дадир. Зеро жаҳон миқёсида обрў-эътиборга эга бўлган Шахслар, у қайси миллат ва халқ, мамлакатга мансублигидан қатъи назар, ҳаммизга Ер юзидаги барча инсонларнинг энг илгор, энг юксак, энг ибратли хижатларини тенг кўрганлар, баробар қад-рлаганлар. Яна, шунга билан чекланмай ўша ўзлари қадрлаган Юксак Инсоний фазилатларни ўз миллатлари ёшлари қалбига синдиришни олий мақсад қилиб олганлар. Агар ҳар қандай юксак қадрият ўз Ватани, миллати манфаатларига, тараққиётига хизмат қилдиришни қўзғаламаган бўлса, ундан нима фойда?! Ҳаётга тадбиқ этилмаган ҳар қандай ялтирок гап-сўзлар қуруқ шиор ва оқибатда ҳеч қандай қизиктирмайдиган беқорчи бир «нарсас» бўлиб қолаверади. Бунинг қўлини ўзимиз то Истиқлолга босиб ўтган йўлимизда роса кўрганмиз...

Агар биз шу айтилган фикрлар нуқтаи назаридан Бехудий ҳазратларини ҳаёти ва фаолиятларига назар ташласак, талай беаҳам манзаларга дуч келамизки, улар ҳақида бир-икки мақолада тўла-тўқис айтиб тугатолмаймиз. Фақат айримларини изоҳлаш, улар ҳақида умумийроқ мулоҳазалар билан чекланамиз...

Бехудий Истиқлол курашчиси дедик. Эътибор қилайлик: у ҳурматли зот тарихимиз майдонига чикиб онгли ҳаёт кечира бошлаган давр — XX асрнинг 10-йиллари — қандай давр эди. Чор мустақиллигининг босқинчилик сийсати Туркистонда гўзал бир ўлкада росман авжга чиққан, миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, гуруримиз, айтиш мумкинки, бутун ўзлимизни поймол қилганган, миллий озодлик курашчилари бошларига балолар ёғдирилаётган бир фожияли йиллар эди. Бехудий за-



Кучат экиб, боғ яратамиз. Равиль Альбеков олган суратлар.



Бирни кўриб фикр қил...

Эркин билан Тулқин дедор-дармисн кўшни бўлгани учун ёшидан бирага ўсиб катта бўлишган. Ҳозир иккиси бир муассасада хизмат қилаётган ҳамкасб, бир-бирининг сир яширмайдиган қалин дўст. Бугунги ишни тугатиб, ишхонадан кўчага чиққач, Эркин Тулқиндан сўради:

— Азиз дўстим, неча кундан бери сендан бир нарса сўрашга чоғланаману ҳеч тилим бормайди?

— Тортинмай сўрайвер.

— Илгари бир гапириб ўн қўлашдан қувноқ, дилқас, ҳазил-мутойибага ўч йигит эдинг. Уйланганидан кейин жуда жиддий ва бироз паршон бўлиб қолдинг. Бунинг бирор сабаби борми?

— Бор. Тўйдан олдин учрашувга чиққанамда тайинланган жойга кенноийси билан бирга чиққан, келишган ва чиройли қиз бир кўришди. Менга ёки қолди. Са-вопларимга фақат «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб берганини унинг тортинчоқлиги, одоб-



Она билан бола — гул билан лола.

Анвар УСМОНОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошмаргёғ» очик акционерлик жамияти акционерларнинг умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади

Кун тартиби:

1. Жамиятнинг 2000 йил молиявий натижалари бўйича Дирекциянинг ҳисоботи.
2. Фойда ва зарар ҳисоботидаги йиллик балансни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси ва ташки аудит хулосалари.
3. Фойда ва туланадиган дивиденд миқдорини тақсимлаш.
4. Бошқарув органлари ва таркибидоги ўзгаришларни тасдиқлаш.
5. Бизнес режани тасдиқлаш.
6. Жамият аудиторини ва қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисоботни тасдиқлаш.

Мажлис 2001 йил 6 апрелда 9.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳар, Лисунов кўчаси 1/1, «Авиасозлар маданият саройи».

Мажлис катташчилари 6 апрель кунги соат 7.30 дан 8.30 гача рўйхатга олинди.

Маълумот учун телефонлар: 96-48-42, 96-57-02.

«ТОШМАРГЁҒ» акционерлик жамияти кузатув кенгаши.

«Тошмаргёғ» ҳиссасдорлик жамиятининг 2001 йил 1 январь ҳолатига муҳосаба ҳисоботи

т/р	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар ҳолати (минг сўм)
1	Узоқ муддатли активлар	424502
2	Айланма активлар	1396763
	Жами активлар	1821265
3	Ўзлик маблағларининг манбалари	1076073
	Шу қаторида Устав фонди	48487
4	Мажбуриятлар	745192
	Баланс пасивы бўйича жами	1821265

«Тошмаргёғ» ҳиссасдорлик жамиятининг 2001 йил 1 январь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

т/р	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар ҳолати (минг сўм)
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушумлар	6542485
2	Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси	295869
3	Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	912374
4	Ҳисобот йили бўйича тақсимланмаган соф фойда	426980

Молиявий-хўжалик фаолияти текширувини «Аудит-эксперт» Аудиторлик фирмаси ўтказди (Лицензия №12 23.03.1994 йил).

«Нон-Паста» ҳиссасдорлик жамияти Бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Содиқовга онаси

Матлуба аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Яккасарой тумани худудий-тиббий бирлашмаси бош врач П.С. Абдусовага турмуш ўртоғи

Марат ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ

Манзиллари:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

«Мустақиллик Кубоги»да энг кучли курашчилар беллашади


Барча спорт турлари кенг ривожланаётган мустақил юртимизда яна бир улкан халқаро мусобақа, йирик спорт байрами бошланмоқда — 3 март кун «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Ўзбекистон Мустақиллиги» Кубоги учун бешинчи аънанавий турнир курраи заминининг энг кучли полковларини ўз бағрига қорлайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг сасий-харакатлари билан юртимиз спорт ишқибозлари гиламда маҳоратли курашчиларнинг шиддатли ва муросасиз баҳсларининг яна бир бор гувоҳи бўлишади. Халқаро кураш федерацияси тақвимидан мустақам ўрин олган ушбу нуфузли аънанавий турнир арафасида биз Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг бош котибни, халқаро тоифадаги ҳакам Константин Михайлов билан бу йилги мусобақаларнинг ўзига хос хусусиятлари, унга қайси мамлакатларнинг курашчилари ташриф буюраётганлиги тўғрисида суҳбатлашдик.

— «Ўзбекистон Мустақиллиги» Кубоги бешинчи халқаро мусобақарида қайси мамлакатлар курашчилари иштирок этади?

— Биринчидан, бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича бу каби турнир бошқа ҳеч қайси мамлакатда ўтказилмайди. Иккинчидан, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси жаҳонда ўзига хос мавқега эга бўлди — спортчилар, мураббийлар юртимизда турнир муваффақиятли ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилиши, ҳакамларнинг ҳолис фаолияти кўрсатишини яхши билдирилди. Бундан ташқари «Мустақиллик Кубоги» энг қулай муддатларда ўтказилади — йирик расмий мусобақалар 8 март ойининг бошларидан аввал ўтган бўлади, ёки улар бир оз кейинроқ ташкил этилади.

— Олдинги турнирларнинг барчасида халқаро кураш федерациясининг вакиллари фаолият кўрсатганлигини яхши биламиз. Улар мамлакатимизда курашнинг ривожланиши ва халқаро мусобақалар ташкил этилишига қандай баҳо беришган?


— Шахримизда август ойида эркин ва юнон-рум кураши



бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатининг ўтказилишининг узун кўл нарсидан далолат беради. Зеро, бундай ишон ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чунки, ёшлар ўртасида мазкур жаҳон чемпионатини ўтказиш учун курраи заминининг ўндан ортук мамлакатлари давogarлик қилган бўлса-да бундай шараф бизга насиб этди. Шундан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекистон Мустақиллиги» Кубоги турнирини ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатидан олдин бош тайёргарлик сифатида баҳола-сак ҳам тўғри бўлади.

— Мамлакатимизда катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати ўтказилишининг гувоҳи бўламизми?

— Ҳеч шубҳасиз, бунинг учун барча имконият ва шарт-шароитларимиз етарли. Бироқ кейинги ўч йилгача муддатга чемпионат мезбонлари олдиндан белгилан қўйилганлиги сабабли, уни бир оз кейинроқ қабул қилишимиз мумкин. Бироқ ушбу жараённинг бошқича-бошқича амалга оширилишини ҳам ташкил деб ўтиш ўринли. Гап шундаки, ҳар қандай мамлакат ўзидан олдин қитъа чемпионати ва ёшлар ўртасида жаҳон биринчилигини ўтказмай туриб дунё чемпионатини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бу борада ҳам бизнинг имкони-



Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди

ҒОЛИБЛАР тақдирланди

Мирзо Улуғбек туманидаги 120-ўрта мактабда таълим олаётган ўқувчилар туман ва шаҳар миқёсида ўтказилган спортга оид турли-туман тадбирларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётган. Бу ерда бўлиб ўтган «Алпомиш ва Барчино» махсус тест синовлари мезърларини топириш республика семинари ҳам катта байрамга айланган бўлди. Шодидеда катнашган 100 дан ортук ўқувчи ўзларининг чаққон, эътил ва нақадар спортга ошно эканликларини намойиш қилди.

— Мактабимизда турли-туман тадбирлар ўтказиш аънанага айланган бўлди, — дейди бу билан суҳбатда мактаб директори Светлана Мамутова. — Бугунги тадбиримиз ҳам таълим олаётган ҳаётимиз гул-гунчаларининг катта спортга астойдил қадам қўйишида муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Байрам сўнгидоки голиб ўқувчилар хомийлар томонидан кўрак нишони ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Хусан БАРОТОВ

«Пахтакор» сафардан қайтди

Пахтакорчиларнинг март ойида бошланадиган ўнинчи миллий чемпионат ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш мақсадида мавсумли тайёргарлик босқичини ҳорида ўтказишга қарор қилганларидан хабарингиз бор. Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машгулот йиғинлари ўтказган пахтакорчилар сафардан қайтиб келишди. Шуниси диққатга сазоворки, БААда «Пахтакор» футболчилари фақатгина араб жамоаларига қарши майдонга тушишмади. Балки Бирлашган Араб Амирликларида мавсумга тайёрланаётган Россия, Қозғистон ҳамда Украинанинг номдор клублари билан ҳам куч сиништиди. Россиянинг «Ростсельмаш» клубини 1:0 ҳисобида енгган ҳамюртларимиз айнан шу мамлакатнинг яна бир жамоаси «Анжи» (Махачқалъа) билан (0:0) дуранг ўйнади. Аммо Украинанинг анча кучли «Шахтёр» ва Қозғистоннинг «Женис» (Остона) клубларига (0.1, 3:4) ҳисобида имкониятни бой берган бўлишсада таркибидо муҳим анжиганлар бўлаётган пахтакорчиларнинг бу йилги мавсумда медаллар учун курашишлари аниқ кўринади.

Фохрийлар ғалабаси

Ўзбекистон Фохрийлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида халқаро турнирда катнашиш учун жўнаб кетди. Ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли катнашиш ҳамда БААга борадиган терма жамоа таркибини аниқлаш мақсадида «Пахтакор» ва Тошкент вилояти жамоалари фохрийлари ўртасида синов учрашуви ташкил этилди. Ушбу учрашувда пахтакорчилар 8:3 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни Биродар Абдураимов (2 та), Сергей Ковшов (2 та), Уммат Мирзақуллов (2 та), Тулаган Исоқов ва Евгений Еремеевлар (1 тадан) киритишди.

Янги вазифага тайинланди

Собик пахтакорчи Исрол Ахмедовнинг Хиндистон терма жамоасига бош мурабий эканлиги футбол ишқибозларига маълум. Аммо яқинда ҳамюртими Исрол Ахмедов ана шу масъулиятли вазифадан озод этилди ҳамда унга Хиндистонда ўсмирлар футболини ривожлантириш дастурини назорат қилиш масъулияти ишониб топширилди.

Ақбар Йўлдошев

Мустақам ҳимоя

Норвегия полицияси хайвонларни ҳар томонлама мустақам ҳимояга олишга қарор қилди. Бир неча ой муқаддам икки уй бекаси мушукларига бўлган шакфатсиз муносабатлари эвазига қамоқ жазосига тортилган эди. Энди эса навбат итлар пойғасининг ташкилотчиларига етиб келди.

Франк Борман итлар мурабийси Рой Юханнесга итларни чоптириш учун мўлжалланган ўйинчоқ мушук ўрнига тирик мушукни боғлаб қўйишни маслаҳат беради. Мурабий дўстининг маслаҳатини ерда қолдирмади: итлар бўйинчоқ хайвонга мулақо эътибор бермай қўйишган, уни тирингча алмаштиришга қарор қилди.

Бирок машгулот майдонини, мамлакатдаги хайвонот оламини ҳимоя қилиш жамияти аъзолари бу ҳолни назоратга олиб улғурганди. Жамият аъзолари бу қонли томошани видеотаёсирга олиб қўйишди. Итлар мушукни майдон бўйлаб қувиб келишганда жонивор бечора чалажон бўлиб улғурганди. Шундан сўнг, Франк қўнённинг мушуклини енгил қилиш учун бўйинчоқ пичоқ тортади-да, итларга муқофот тарикасида улашади. Хайвонот оламининг ҳимоячилари эса бу ваҳишиде манзарани кузатишар экан, янвас тортиб йиғлашдан ўзларини зўрга тийиб туришарди.

Полиция маҳкамаси жониворга дарҳол ҳукм чиқарди. Юханнесни хайвонларга зўрлик қилгани учун судлашган бўлса, Макфарбейлнинг ҳаётининг сифатида жазога тортилди.

Икковиға ҳам 6 ойдан қамоқ жазоси ва 5 минг фунддан жарима белгиланди.

Шифобахш пиво

Чехословак тарихчи олимлари қадимги архив ҳужжатлари орасидан қадимги маслаҳатлар китобини топиб олдилар. Унда таърифланган шифобахш пиво Карлови Вариде ишлаб чиқарилган бўлиб уни тайёрлашда машур шифобахш бўлоқлар сувидан фойдаланилган экан.

Хавфли касб

Қилич балиқлар сақланадиган ховузда қоровул бўлиб хизмат қилаётган Жон Эйвист хавфли касбни танлаган. Хофуз Флорида шахрининг хайвонот боғида жойлашган. Жон Эйвист денгиздан ҳар хил қилич балиқларни овлаб келиб, шу ховузга солади. Ақваланг қилич, ҳар кун бир неча марта ховузга тушади ва балиқларни овқатлантириб, назорат қилиб туради. Қилич балиқлар янги шароитга тез-да қўниқиб кетдилар.

«Ўлган» қув

Петерлик пенсионер аёл қуввини ўлган ҳисоблаб тикрайди «қўмди».

У тушликка ҳозирлик қўраётганида қўшилари унга лифтнинг ёнида 40 ёшлар чамасидаги қуввиға ўхшаган бир эркак қўзилиб ётганини хабар қилишди. Кампир тез-да пастга тушиб ётган кишиға қараб бир нималар деганича неварасини олиб келгани мактабга шошилди. Тез оранда унинг хонадонидо қариндошлар йиғилишди. Кўп ўтмай мотам маросимига йиғилганларнинг олдига «ўлган» қув соппа-соғ ҳолатда ўз қалити билан эшикни очиб кириб келади. Буни кўриб ҳамма ўз жойида қотиб қолади.

Маълум бўлишича, қўшилари ётказган хабардан эсанкараб қолган қайнона ётган кишиға яхшилаб қарамаган экан. У фақат эркакнинг бўйи ва қийнаг қийми ўхшашлиғига эътибор берган, чунки қуввининг эгнида ҳам чарм камзул бўлган экан.

Қонуний тус олади

Ҳа, худди шундай. Эндиликда Норвегияда ҳам худди Даниядаги каби эркакнинг эркача турмушга чиққиши қонуний тус олади. Бу улларда қўшиланинг етишмаслигини эмас, балки айрим «йигитларнинг хоҳиш-иродасига қўра шундай қилинди.

Бу қонун 1992 йил августдан қўчга кирган ва буни қарангчи, биринчи тўй ҳам ўша заҳоти бўлиб ўтган.